

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Самарқанд шаҳар ҳокимияти  
ҳузуридаги “Ягона дарча”


маркази

2016 йил «19»

07

№ 14331

- рақам билан



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«XOVRENKO NOMIDAGI  
SAMARQAND VINO KOMBINATI»

aksiyadorlik jamiyati

акциядорларининг

2016 йил 25 июндаги йиллик

умумий йиғилиши

томонидан



*[Handwritten signature]*

«XOVRENKO NOMIDAGI  
SAMARQAND VINO KOMBINATI»

aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ

(янги тахрири)

Самарқанд шаҳри - 2016 й.

Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинганлиги муносабати билан ўзгартирилган.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «O‘zvinosanoat–holding» xolding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда “Компания” деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПК-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш Давлат кўмитаси (Давлат рақобат кўмитаси)нинг 2006 йил 25 январдаги 11-П-сонли буйруғига асосан ташкил этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 25 октябрда 1065-сонли реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги тахрир) қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Компания ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (03.06.2016й. ЎРҚ-387) Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Компаниянинг тўлиқ фирма номи:

1.3.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «O‘zvinosanoat–holding» xolding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati;  
кирилл ёзувида: «Ўзвиносаноат–холдинг» холдинг компанияси акциядорлик жамияти.

1.3.2. Рус тилида: Акционерное общество холдинговая компания «Узвинпром–холдинг».

1.3.3. Инглиз тилида: Joint stock holding company «Uzvinosanoat-holding».

1.4. Компаниянинг қисқартирилган номи:

1.4.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «O‘zvinosanoat–holding» ХК АЖ;

кирилл ёзувида: «Ўзвиносаноат–холдинг» ХК АЖ.

1.4.2. Рус тилида: АО ХК «Узвинпром–холдинг».

1.4.3. Инглиз тилида: JS HC «Uzvinosanoat-holding».

1.5. Компаниянинг манзили:

почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси, 6-уй, Индекс 100011.

1.6. Компаниянинг электрон почта манзили: [pressa@vinsanoat.uz](mailto:pressa@vinsanoat.uz)

1.7. Компаниянинг расмий корпоратив веб-сайти: [www.vinsanoat.uz](http://www.vinsanoat.uz)

1.8. Компания ўзининг жойлашган ери ва/ёки почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш ва оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этади.

1.9. Компанияни ягона акциядори (кейинги ўринларда Акциядор деб аталади)

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳисобланади.

Акциядорнинг почта манзили: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шох кўчаси 55-уй, индекс 100003.

## **II. КОМПАНИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ**

2.1. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбурият-лар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Компаниянинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Компания акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.3. Компания давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Компания фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган.

2.4. Компания Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.5. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.6. Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.7. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.8. Акциядор компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.9. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядор компаниянинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.10. Компания ўз акциядорининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.11. Агар Компаниянинг банкротлиги Компания учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, компаниянинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига компаниянинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставда бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

2.12. Компания учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор Компания муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан Компания томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина компаниянинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

2.13. Давлат ва унинг органлари компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Компания ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.14. Компания филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

2.15. Компаниянинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар компаниянинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Компаниянинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Компаниянинг балансида ҳисобга олинади.

2.16. Компания акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.17. Компания шўъба ва тобе хўжалик жамиятларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **III. КОМПАНИЯНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ**

3.1. Компанияни ташкил этишдан асосий мақсад Компаниянинг молиявий-хўжалик фаолиятидан акциядор манфаатлари учун фойда олишдир.

**3.2. Қуйидагилар Компания фаолиятининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:**

истеъмол спирти ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни амалга ошириш;

истеъмол спирти, ликер-ароқ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва акциядор (иштирокчи) бўлган ҳолларда уларни бошқариш;

ташқи ва ички бозорлар бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, корхоналарнинг янги турдаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришига ва ташқи бозорларга олиб чиқишига кўмаклашиш;

тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, чет эл инвесторлари иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилишга ёрдам бериш.

**3.3. Қуйидагилар Компанияни қўшимча вазифалари ва фаолияти турларига киради:**

республика аҳолисини қайта ишланган узум маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашиш;

экспортга йуналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Компания корхоналари негизида илғор технологияларни жорий этиш учун марказлаштирилган ўз маблағларини ва қарзга олинган инвестиция маблағларини жалб этиш;

компанияга тегишли бўлган акция (улуш) пакетига мувофиқ Компания таркибига кирадиган корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларни бошқариш;

Компания таркибидаги корхоналарнинг иш унумдорлигини ошириш ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулот ва кўрсатаётган хизматларнинг ички ва чет эл бозорларидаги рақобатбардошлиги масалаларини ўрганишда кўмаклашиш;

узум тайёрлаш ва қайта ишлаш, вино-ароқ маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш, илмий ва технология ташкилотларининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш соҳасида, илмий техника маҳсулотлари ярмарка ва бозорларини ташкил этиш;

Компания ўзининг «Реконструкциялаш ва ривожлантириш жамғармасидан» шу жамғарма низоми асосида тизимдаги барча хўжалик юритувчи субъектларга қарзлар бериш;

воситачилик тарзида инжиниринг, консалтинг, тижорат хизматларини кўрсатиш; ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

давлат ва минтакавий буюртмаларни олишда шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органларига тааллуқли бўлган бошқа масалаларни ҳал этишда ўз таркибидаги корхоналар номидан қатнашиш;

тизимдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг талабига кўра шартномаларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, келишиш ва тақдим этиш;

Компания тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга харидорларни топиш, жалб қилиш, шу маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш учун шартномалар тузиш ва ижросини таъминлаш;

улгуржи, майда улгуржи ва чакана савдони ташкил қилиш, шуғулланиш;

бошқа акциядорлик жамиятлари акцияларини, масъулияти чекланган жамиятининг улушларини (пай) ва бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш, сотиш.

Компания юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари ўзига қарашли бўлинмалар, корхоналар, жамиятлар, компаниялар ишини яхшилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин

3.4. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

Компания юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари ўзига қарашли бўлинмалар, корхоналар, жамиятлар, компаниялар ишини яхшилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ишларни ҳам бажариши мумкин.

#### **IV. КОМПАНИЯ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ) МИҚДОРИ, УНИ КўПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

4.1. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) акциядор олган Компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4.2. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) 45 100 089 500 (қирқ беш миллиард бир юз миллион саксон тўққиз минг беш юз) сўмни ташкил қилиб, ҳар бирининг номинал қиймати 500 (беш юз) сўм бўлган 90 200 179 дона оддий акцияларга тенгдир.

##### **а) Компаниянинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш:**

4.3. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Қўшимча акциялар Компания

томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.4. Компания устав фондини (устав капиталини) ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори – номинал қиймати 500 (беш юз) сўм бўлган 145 018 681 дона оддий акциялардан иборат.

4.5. Устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаш-тириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлашти-риладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

4.6. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

4.7. Компаниянинг (устав фондини) устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва Компания уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.8. Компания томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошла-надиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядор ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

4.9. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорнинг қарори билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.10. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахснинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Компания акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

4.11. Кўшимча чиқарилган акцияларнинг жойлаштириш нархи Компания акциядори қарори билан белгиланади, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

4.12. Акцияларни акциядорга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

4.13. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилаётганда компаниянинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Компания акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

4.14. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига шунингдек, давлат мол-мулкани бериш ҳисобига Компания устав фондидаги (устав капиталдаги) давлат улушини ошириш тўғрисидаги қарор Компания акциядори қарори билан қабул қилинади.

## **б) Компаниянинг устав фондини (устав капитални) камайтириш:**

4.15. Компаниянинг устав фонди (устав капитални) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Компания томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.16. Компаниянинг устав фондини (устав капитални) акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга ҳақли.

4.17. Агар устав фондини (устав капитални) камайтириш натижасида унинг миқдори уставга киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган устав фонднинг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Компания устав фондини (устав капитални) камайтиришга ҳақли эмас.

4.18. Устав фондини (устав капитални) камайтириш ва Компания уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядор томонидан қабул қилинади.

4.19. Устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядор устав фондини (устав капитални) камай-тириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **V. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ДИВИДЕНД**

5.1. Компания акциялари оддий бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

5.2. Дивидендлар Компаниянинг Компания тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

5.3. Дивиденд акциядорнинг қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Компаниянинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

5.4. Компания бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5.5. Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Компания кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядор томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

## **VI. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

6.1. Компаниянинг қўшимча акцияларини жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули (оммавий ёки хусусий йўсинда), муддати, нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш усули ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

6.2. Компания қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда



чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартибини, яъни акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилиши-нинг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган (биржа ёки биржадан ташқари) бозорларни белгилайди.

6.3. Компания қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш усули (оммавий ёки хусусий йўсинда) белгиланади.

6.4. Компания томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

6.5. Компаниянинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.

6.6. Компания томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядор уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Акциядор, акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига (бундан буён матнда – “Имтиёзли ҳуқуқ” деб юритилади) эга.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахснинг қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Компания акциядори маълумоти асосида тузилади. Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядор акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

6.7. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарор акциядор қарорида белгиланган муддат давомида, аммо бундай қарор қабул қилинган пайтда эътиборан кўпи билан бир йил давомида амал қилади.

6.8. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Компанияга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Компанияга тақдим этилиши керак.

## **VII. КОМПАНИЯ ДАРОМАДИ (ФОЙДА) НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

7.1. Дивиденд Компания соф фойдасини акциядор томонидан тақсимланадиган қисмидир.

7.2. Компания акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.3. Дивиденд акциядорнинг қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний



тўлов воситалари ёхуд компаниянинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядор томонидан акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.4. Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда-“Қонун” деб юритилади) ва Компания уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Компаниянинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Компания кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорнинг қарори билан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Компания кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядор акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Компания уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.6. Дивидендлар Компаниянинг унинг тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби компаниянинг уставида ёки акциядорнинг қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.7. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорнинг қарорига кўра Компания ихтиёрида қолади.

Компания акциядорининг реестридан олинган, Компания томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Компания бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

7.8. Дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган акциядор шакллантирилган Компания акциядори реестрида қайд этилган акциядор дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.9. Дивидендлар акциядорнинг томонидан белгиланган муддатларда Компаниянинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (*олинмаган*) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади.

Компания томонидан ҳисобланган дивидендларни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибидан талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендларни тўлаш Компания томонидан рад этилган тақдирда, Компанияга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили

қўлланилади.

#### **7.10. Компания:**

устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Компанияда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Компанияда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Компания соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Компания ҳисобланган дивидендларни акциядорга тўлаши шарт.

7.11. Компания дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Компания тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Компаниянинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

7.12. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

7.13. Компания томонидан ўтган молиявий йил учун белгиланган бизнес режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда, Компаниянинг ҳомийлик ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдамлар учун харажатлари ўтган йил соф фойдасининг 10 фоизидан ортиб кетмаслиги шарт.

### **VIII. КОМПАНИЯНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ.**

8.1. Компанияда Компания уставида назарда тутилган, аммо унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Компаниянинг захира фонди Компания уставида белгиланган миқдорга етгунигача қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори Компания уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор Компания уставида белгиланган миқдорга етгунигача қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Компаниянинг захира фонди Компаниянинг зарарлари ўрнини қоплаш, Компаниянинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Компаниянинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Компаниянинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

Компания уставида бошқа фондларни ташкил этиш назарда тутилиши мумкин.

Компания соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, Компания активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

8.3. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорга тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ Компания соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, Компания ўз устав фондини

(устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтириши шарт.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорга тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ Компания соф активларининг қиймати Компания устав фондини (*устав капиталининг*) Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, Компания ўзининг тугатилиши ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Компаниянинг устав фондини (*устав капиталини*) камайтириш ёки Компанияни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядори, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари Компанияни суд тартибда тугатишни талаб қилишга ҳақли.

## **IX. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **9.1. Компания акциядорининг ҳуқуқлари:**

- Компания акциядори реестрига киритилиши;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Компания фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Компания тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Компанияни бошқаришда иштирок этиш;
- Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ношароат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

9.2. Ҳар бир оддий акция эгаси ҳисобланган акциядорга бир хил ҳуқуқларни беради.

9.3. Оддий эгаси ёзилган акцияларнинг эгаси бўлмиш акциядор ушбу Компания уставига мувофиқ акциядор ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича иштирок этиши мумкин, шунингдек, дивидендлар олиш, Компания тугатилган тақдирда эса, Компания мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эгадир.

9.4. Акцияга бўлган ҳуқуқ акцияни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқ унинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқ ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

### **9.5. Овоз берувчи акциянинг эгаси бўлган акциядор:**

Компанияни қайта ташкил этиш тўғрисида;  
жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;  
қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Компания томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим (бундан буён матнда – “Йирик битим” деб юритилади) тузиш тўғрисида;

Компаниянинг уставига овоз берувчи акциядорнинг ҳуқуқини чеклов-чи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқ-лаш тўғрисида қарорлар қабул қилишда, ўзига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Компания томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилишга ҳақлидир.

**9.6. Компания акциядори қуйидаги мажбуриятларга эга:**

Компаниянинг устав қоидаларига ва уставда кўрсатилган тартибда, миқдорда ва усулда ҳисса қўшиш (акция ҳақини тўлаш);

Компания фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ташкил қилувчи сирларни фош қилмаслик.

Компания акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур Компания акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, Компания нинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

**9.7. Акциядор қонун ҳужжатларига ва Компания уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.**

## **X. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

**10.1. Компания бошқарув органлари:**

- ягона акциядорнинг умумий йиғилиши
- кузатув кенгаши
- ижроия органи (Бошқарув).

## **XI. АКЦИЯДОРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.**

**11.1. Акциядор компанияни бошқаришнинг олий органидир.**

Умумий йиғилиш ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма равишда шакллантирилади.

**11.2. Компания акциядори ҳар йили молия йили туганидан кейин қўпи билан олти ой ичида Компаниянинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, Компаниянинг коллегиял ижроия органининг (бундан буён матнда – “Бошқарув” деб юритилади) аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ Компаниянинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиб тегишли қарор қабул қилади.**

**11.3. Акциядорнинг мутлақ ваколатига қуйидагилар қиради:**

а) Компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- б) Компанияни қайта ташкил этиш;
  - в) Компанияни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
  - г) Компания Кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини тайинлаш (сайлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;
  - д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
  - е) устав фондини камайтириш;
  - ж) ўз акцияларини сотиб олиш;
  - з) Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
  - и) Компания тафтиш комиссияси аъзоларини тайинлаш (сайлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
  - к) Компания йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Компания ни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқла;
- Компания бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- л) Компания Кузатув кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан, Компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;
  - м) акцияларни ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - н) Компаниянинг Бошқарув аъзоларини тайинлаш (сайлаш) (Бошқарув раисидан ташқари), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
  - о) акцияларни майдалаш ва йириклаш тириш;
  - п) агар Компания кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса, компаниянинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим бўйича қарор қабул қилиш;
  - р) битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Компания активлари баланс қийматининг 50 фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;
  - с) Компания Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;
  - т) амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.4. Акциядор ваколати доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, ушбу Уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорнинг мутлақ ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш учун Компания ижроия органига берилиши мумкин эмас.

11.5. Овозга қўйилган масала, акциядор қарори билан қабул қилинади, қонунчилик ва уставда қарор қабул қилиш учун овоз бериш белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

11.6. Акциядор ўз ишини амалдаги қонунчилик ва ушбу устав асосида амалга

оширади.

11.7. Акциядор йил якуни буйича қарор қабул қилиши учун тайёргарлик кўришда акциядорга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Компаниянинг йиллик ҳисоботи, Компаниянинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Компания тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Компания Кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоллигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Компания уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёхуд Компаниянинг янги тахрирдаги устав лойиҳаси киради.

11.8. Компания акциядори Компаниянинг молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 61 кун ичида йиғилиш кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Компания Кузатув кенгаши ва Компания тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

11.9. Аниқ масала кўйилишини ақс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, турли "масалалар", "бошқа масалалар", "ўзга масалалар" ва ҳоказоларнинг) акциядор томонидан кўриш учун киритилишига йўл қўйилмайди.

11.10. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлса, Компанияда акциядорнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонун ва уставга кўра акциядорнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма равишда шакллантирилади.

## **XII. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

12.1. Компания Кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядор умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

12.2. Компания кузатув кенгашининг аъзолари акциядорнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга тайинланадилар (сайланадилар). Компания кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат.

Корпоратив бошқарув кодексига ақс этирилган мувақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси – йирик акциядор томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва тайинланади (сайланади).

12.3. Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Компаниянинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиритиш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунида 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядор умумий йиғилишига ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Компаниянинг бошқарув раиси ва ижроия органи аъзоларини сайлаш

(тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Компаниянинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- Компаниянинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- Компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Компания кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

- аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- қонунда белгиланган ҳолларда Компания томонидан йирик битимлар ва Компания аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартлари белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат ягона яқциядори ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда ягона акциядор учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;

- Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек Компания уставига компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ



ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.4. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

12.5. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини имзолайди.

12.6. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

12.7. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

12.8. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

12.9. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

12.10. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Компания ва унинг акциядори олдида жавобгардир.

12.11 Кузатув кенгаши мазкур Устав ва акциядор умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

### **XIII. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

13.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув ва унинг раиси томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядор умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

13.2. Бошқарув раиси компаниянинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Компания Устави, Акциядор умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

13.3. Бошқарув раиси Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядор умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

13.4. Бошқарув раиси ва аъзолари кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). У билан меҳнат шартнома Компания номидан кузатув кенгаши раиси

имзолайди.

13.5. Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

13.6. Бошқарув ваколатига қуйидагилар киради:

- Компания тузилмалари раҳбарларини тайинлаш (филиал ва ваколатхоналари раҳбарларидан ташқари);

- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;

- Компания тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;

- Компания томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича Компания соф активлари миқдорининг 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

- Компаниянинг асосий воситларини ҳисобдан чиқариш.

13.7. Бошқарув раисининг ваколатига қуйидагилар киради:

- мазкур Устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Компаниянинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Компания номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Компания номидан битимлар тузиш, компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Компания филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Компания номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Компаниянинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- акциядор умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Компанияда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Компания фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;
- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Компания архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилиш;

13.8. Бошқарув ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Компаниява унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

13.9. Бошқарув ва унинг раиси мазкур Устав ва акциядорр умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

#### **XIV. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

14.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядор умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга тайинлайди (сайлайди). Компания тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

14.2. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан бошқарув раиси молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

14.3. Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

14.4. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек компаниянинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айти бир шахс айти бир компаниянинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ тайинланиши (сайланиши) мумкин эмас.

14.5. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядор умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Компания кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

14.6. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра компаниянинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

14.7. Тафтиш комиссиясининг хулосаси мазмунига кўшимча талаблар акциядорнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

14.8. Тафтиш комиссияси Компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда кузатув кенгашининг мажлисида ва акциядорнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

14.9. Тафтиш комиссияси мазкур Устав ва акциядор умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Компания тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради ва уларга белгиланган тартибда мукофот пули тўланади.

14.10. Компания активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробарини ташкил этса ва (ёки) ошса компанияда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати компаниянинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

14.11. Компаниянинг ички аудит хизмати компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Компания уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

14.12. Ички аудит хизмати компаниядаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши компанияга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

14.13. Компаниянинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

14.14. Компанияда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Компания корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

14.15. Компания корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Компания кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

## **XV. КОМПАНИЯНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

15.1. Компания қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

15.2. Компанияда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядор, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига Компания фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ Компания Бошқаруви зиммасида бўлади.

15.3. Компаниянинг акциядори йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги Компаниянинг тафтиш комиссияси томонидан

тасдиқланиши лозим.

15.4. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин Компания йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун Компания ёки акциядор билан мулкӣ манфаатлар негизда боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб этиши шарт.

15.5. Компаниянинг йиллик ҳисоботи акциядорнинг йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

15.6. Компаниянинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

## **XVI. КОМПАНИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

### **16.1. Компанияни қайта ташкил этиш:**

Компанияни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида) акциядор қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

### **16.2. Компанияни тугатиш:**

Компанияни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Компания фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

Компания куйидаги ҳолларда тугатилади:

- ◆ акциядор қарорига мувофиқ;
- ◆ қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- ◆ қонун ҳужжатларига белгиланган бошқа ҳолларда.

16.3. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайдан эътиборан компанияни тугатиш тамомланган, Компания эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

16.4. Рўйхатдан ўтказувчи орган Компания тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат Компаниянинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

## **XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

17.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

17.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

17.3. Мазкур Устав Компания Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

17.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, қонунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.